2017 йил 6 июнь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (13.450)

Баҳоси эркин нархда

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари 2 июнь куни аҳолининг дам олиши учун муносиб шароитлар яратиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этиш, экспортни кенгайтириш лойиҳалари билан танишди, янги намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойларда бўлиб, одамлар билан суҳбатлашди. Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича йиғилиш ўтказди. Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, жумладан, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 3 июнь куни Андижон шаҳридаги "Ёйилма" маҳалла фуқаролар йиғинига ташрифи чоғида маҳалла ҳаёти билан танишди, одамлар билан мулоқот қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини гузари қурилиши лойиҳаси, ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Бу ерда маҳалла раиси, котиб ва маслаҳатчилар, профилактика инспектори учун алоҳида хизмат хоналари бўлиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, кутубхона, минимаркет, қариялар дам олиш жойи, болалар майдончаси, фаввора, тренажёр майдони, сартарошхона, "Гўзаллик салони", новвойхона қурилмоқда.

Маҳалла аҳли билан мулоқотда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш ва адашганларни тўғри йўлга қайтаришда нуронийларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Фарзандларимизни болалигидан гўзал хулқли, маданиятли қилиб тарбиялашимиз лозим, деди Президентимиз. Бунинг учун муносиб шароит яратишимиз керак. Улар чиройли, обод жойларда яшаса, кўп китоб ўқиса, маънавий олами бой, ватанпарвар бўлиб вояга етади.

"Ёйилма" маҳалласидаги 60 дан ортиқ кўп қаватли уйда 5 минг 800 дан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Ҳудудда 8 болалар майдончаси, мини-футбол, баскетбол, футбол майдонлари бор. 1 коллеж, 1 умумтаълим мактаби, 2 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз маҳалладаги кўп қаватли уйлар, коллеж, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Маҳалла профилактика инспектори Фаррух Ғаниев хонадонида бўлди.

Профилактика инспекторларини маҳаллалар марказида хизмат уйлари билан таъминлаётганимиз бежиз эмас, деди Шавкат Мирзиёев. Профилактика инспектори маҳаллада яшаб, фаоллар билан бамаслаҳат иш олиб борса, ҳудудда маънавий муҳит яхшиланади, жиноят содир этилмайди. Бу аҳолининг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини оширади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 22 ноябрдаги қарорига мувофиқ Андижон шаҳрида кўп қаватли 37 замонавий уй-жой бунёд этилиши белгиланган. Бугунги кунда Султон Жўра номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида 294 хонадонга мўлжалланган еттита кўп қаватли турар жой қад ростламоқда.

Бу турар жойлар биринчи галда уйга муҳтож одамларга берилади. Ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши, мустақил, эмин-эркин яшаши учун шароит яратади.

Андижон шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Андижон шаҳрининг бош режасига мувофиқ шаҳар ҳудудини кенгайтириш режалаштирилган. Кўп қаватли уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва спорт муассасалари қурилиши мўлжалланган.

Универсал спорт мажмуаси улардан бири. Мажмуа лойиҳасини такомиллаштириш, фаолиятини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Мажмуа кўп тармоқли, кўплаб спорт турларига ихтисослаштирилган бўлади. Спорт федерациялари шу ерга жойлашади. Мажмуада халқаро мусобақалар, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш учун зарур шароит яратилади.

Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва мактаби ташкил этилмоқда. Бу борадаги режалар билан танишув чоғида хиёбонда Муҳаммад Юсуф ҳайкалини ўрнатиш, мактаб фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Андижон шаҳрида Республика ихтисослаштирилган кардиология ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш режалаштирилган.

Бу шифохоналар ихтисослаштирилган тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, мураккаб жарроҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзида ўтказиш, касалликларни самарали даволаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ бу шифохоналарни тезроқ ишга тушириш, вилоят туманларида уларнинг субфилиалларини ташкил этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари эски "Андижонмаш" акциядорлик жамиятида бўлди. Бу ерда ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зонаси лойиҳаси билан танишди.

Бўш турган ер майдони 19,16 гектар бўлган мазкур ҳудудда ташкил қилинадиган саноат зонасида енгил саноат, электрокабель, чарм-пойабзал маҳсулотлари, эшик-ром, мебель, дори-дармон, пластмасса ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари қайта ишланади. 2 минг янги иш ўрни очилади.

Саноат зонасида тадбиркорлар ва тижорат банклари томонидан 127 миллиард сўмлик 15 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

"Engelberg Group" МЧЖнинг янги фабрикаси ана шу лойиҳалардан бири. Алюминий профилли ромлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона Туркия ва Германиядан келтириладиган замонавий технологиялар билан жиҳозланади. "Роҳат савдо сервис" МЧЖ томонидан суспензиялар, тиббий мазлар, ампулалар, сироп ва таблеткалар ишлаб чиқарилади.

Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан вилоятда изчил ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятдаги хусусийлаштирилган ва бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Бу борада шаҳар ва туманларда қўшимча хатлов ишлари олиб борилмоқда. Шу кунга қадар 5 минг 697 бино-иншоот хатловдан ўтказилиб, уларнинг 283 таси бўш турганлиги аниқланган. Шулардан 210 тасида янги лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалар кичик ва йирик ГЭСлар қуриш, газ таъминоти тизимини такомиллаштириш, цемент ва оҳак ишлаб чиқариш каби йўналишларга мўлжалланган.

Булоқбоши туманида Хитой технологияси асосида йилига 21 минг тонна кимёвий чўктирилган бўр маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Маҳсулот тўлиқ маҳаллий хомашё – оҳактошдан олинади. Корхона ишга тушгач, чет элдан сотиб олинаётган шу турдаги маҳсулотга бўлган талаб қондирилади, уни экспорт қилиш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳа ташаббускорлари – тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

"Ўзфармсаноат" компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган фармацевтика соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди.

"Трастбанк" томонидан Андижон туманида "Zamin Bio Health" жамиятида йиллик қуввати 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган лойиҳа амалга оширилгач, 100 киши иш билан таъминланади.

"Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси ва тижорат банклари томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган мазкур соҳани ривожлантириш дастури лойиҳаси яратиладиган иш ўринларининг кўплиги билан эътиборни тортди.

Президентимиз "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси Андижон вилоятида амалга оширишни режалаштирган лойиҳалар билан танишди. Янги автомобиль русуми – "Chevrolet tracker"ни ишлаб чиқариш бўйича маълумот берилди.

Бунда енгил автомобилларнинг ускуна ва жиҳозларини модернизация қилиш, енгил автомобиллар қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, янги моделдаги автомобиллар учун интерьер, штампланган, пайвандланган панеллар, радиатор, кондиционер тизимлари, ўриндиқлар, овоз сўндиргич тизими қисмлари, газ чиқариш тизимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Лойиҳаларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Андижон шаҳри Миллий тикланиш кўчаси, 24-уйда жойлашган мазкур қабулхонада халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи – одамлар билан самимий мулоқотлар, сафар давомида белгилаб берилган улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОСТОНА ШАҲРИДА ЎТАДИГАН ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 8-9 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Остона шаҳрида ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.**

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиши, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашиши, 2017-2018 йилларда ташкилотга раислик қиладиган давлат масаласини кўриб чиқиши кутилмоқда.

ШҲТнинг Тошкент саммити қарорларини амалга ошириш доирасида Остона шаҳрида Ҳиндистон ва Покистонни ташкилот аъзолигига қабул қилиш жараёни ниҳоясига етказилади.

Ўзбекистон Президенти Остона шаҳрида EXPO – 2017 ихтисослаштирилган халқаро кўргазманинг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этади, қатор хорижий делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикамиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, мамлакатимизда бу борада яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш натижадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Аввал хабар қилинганидек, яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.***

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида бўлиб ўтган депутатлар сайлови якунлари кўриб чиқилиб, сайланган депутатларнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Яшнобод тумани ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини ўрганиш якунлари муҳокама этилди. Ўрганиш натижаларига кўра, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолати таҳлил этилганида, туманда 2017 йилнинг ўтган 4 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан содир этилган жиноятлар сони 8,7 фоизга камайган.

Туманда 57 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улардан 27 тасининг шароити қониқарли, 17 тасиники яхши, 13 та маҳалла фуқаролар йиғини биносининг аҳволи эса қониқарсиз ҳолатда эканлиги таъкидланди.

Тумандаги аксарият маҳалла фуқаролар йиғинларининг иш режаси ва 8 та комиссиясининг иш режалари мавжуд. Аммо уларнинг бажарилиш ҳолати қониқарсиз аҳволда. Ушбу ҳолат бошқа маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам кузатилган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида содир этилган жиноятлар таҳлили, комиссияларнинг иш фаолияти ҳисоботларда ўз аксини топмаган.

Бундан ташқари, туман жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлардан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, айрим ҳолатларда судлар томонидан юборилган ажрим нусхалари маҳалла фуқаролар йиғинларига келиб тушмаганлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси тасарруфидаги корхоналар 2010 йилда 21,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 612,8 миллиард сўмга етди.***



## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда чарм ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, экспорт кўламини ошириш ҳамда мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш бўйича жорий йилда олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида маълум қилинди.

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Шералиев ва бошқалар мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, хорижий ҳамкорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратиб берилаётгани натижасида чарм-пойабзал саноатида юксак самарадорликка эришилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Навоийда "Ҳаракатлар стратегияси: амалиёт, самара ва истиқбол" мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси аъзолари, маҳаллий давлат бошқаруви ва ижро органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**• Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм вилояти филиалида Россиянинг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази директори, академик Лео Бокерия иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди. Юрак-қон томир касалликларининг оғир асоратли турлари билан оғриган беморлар кўрикдан ўтказилиб, зарур маслаҳатлар берилди.**

**• Нукусда кўп хонадонли турар-жойлар фондини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**• Навоийда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Ёш қутқарувчи" мусобақасининг мамлакат босқичи ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Черногория куни кеча НАТО сафига расман қабул қилинди. Бу давлат НАТОга аъзо давлатлар орасида энг кам ҳарбий бюджетга эга эканлиги билан ажралиб туради.**

**• Хитойда инсон юзини танишга асосланган янги биометрик тўлов технологияси жорий этилади. Ушбу технологияни кассалар олдида навбатни қисқартириш ҳамда фирибгарликка чек қўйиш мақсадида гипермаркетларда қўллаш кўзда тутилган. Бунда харид учун тўловни амалга оширмоқчи бўлган истеъмолчи юзини сканердан ўтказса бўлди. Компьютер харидорнинг юз тузилишидан шахсини аниқлаб, банк ҳисоб-рақамидан бир йўла харид пулини ҳам ечиб олади.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш;

оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда уни амалга ошириш жараёни тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Н.Арипов) вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Дастурда назарда тутилган барча чора-тадбирлар тўлиқ амалга оширилиши юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Дастур ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилишини таъминлаш;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан ушбу қарор ва дастурдан келиб чиққан ҳолда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган барча спорт турлари бўйича тегишли республика ва ҳудудий спорт федерацияларига (уюшмаларига) бириктириладиган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир барча масалалар ҳал этилишини таъминлаш;

икки ой муддатда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкиллаштириш ва назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Республика комиссияси томонидан амалга оширилган ишларнинг натижалари мунтазам равишда ҳукуматнинг ярим йиллик мажлисларида муҳокама қилиб борилсин.

3. Дастурнинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, жамғармалар, спорт федерациялари (уюшмалари), клублари, хорижий инвесторлар, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари аҳоли, ўқувчи ва талабаларни спорт мусобақаларига, республика спорт тадбирларига юбориш учун маблағлар Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар доирасида асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

спорт иншоотларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин;

Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган лойиҳавий ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин ҳамда буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан тузилган шартномалар шартлари бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан билдирилган ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифлар маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига:

Дастур ва унинг асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларда белгиланган барча чора-тадбирлар ижроси ўз муддатида сифатли амалга оширилиши юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳудудий ишчи гуруҳларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон терма жамоалари спортчиларининг ўқув-машғулот йиғинлари, жаҳон биринчиликлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш мақсадида мусобақалар якунларида эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилиш ва тизимли мониторингини олиб бориш;

ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган спорт мактабларига, таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни қабул қилиш жараёнларининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш юзасидан доимий равишда таъсирчан чоралар кўриш ҳамда ҳар чорак якунлари бўйича қўмитанинг мажлисларида танқидий-таҳлилий муҳокамадан ўтказиш вазифалари юклансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

спорт иншоотлари йил давомида узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, эҳтиёжга кўра спорт иншоотларини муқобил энергия манбалари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин;

тегишли ҳудудда спорт федерацияларига (уюшмаларига) бириктириладиган ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдам бериш турлари (бино ва иншоотлардан бепул фойдаланиш, маблағлар ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш ва ҳ.к.) бўйича таклифлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доир барча масалалар ҳал этилишини таъминласин;

спорт таълим муассасалари ва мажмуалари ихтиёридаги ер майдонларини (очиқ ва ёпиқ турдаги спорт иншоотларини) тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида амалга оширилишига қатъий риоя қилинсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Дастурнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг доирасида ташкиллаштириладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернет тармоғи орқали аҳоли орасида мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 3 июнь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ОММАВИЙ СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилди, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётган, таълим муассасаларида таҳсил олаётган навқирон ўғил-қизларимиз учун чинакам чиниқиш ва маҳорат мактабига, катта ҳаёт йўлига парвоз майдончасига айланиб улгурган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт мусобақаларини ўзида мужассамлаган уч босқичдан иборат яхлит тизим яратилди. Мазкур тизим орқали бугунги кунда нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчилар етишиб чиқмоқда. Энг муҳими, ушбу мусобақалар ёшларимизни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди.

Фақат сўнгги беш йил ичида республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион 230 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолининг барча қатламини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан қамраб олиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудида жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломлик ҳамда етукликнинг асосий шартларидан бири эканлигини фаол тарғиб этиш, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан спорт соҳасида алоҳида иқтидор эгаларини саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалалар тизимли асосдаги ечимини кутмоқда. Қатор спорт муассасаларининг моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермайди, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Мазкур соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ кенг кўламли, аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, дастурга мувофиқ:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчиликни янада такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий спорт комплексларини қуриш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, мазкур соҳада хусусий секторни ривожлантириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, спорт мактабларини юқори малакали мураббийлар ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш;

таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш каби йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур ижроси доирасида спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штатлар жадвалига "Спортчи" лавозими жорий этилиши Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим қадам вазифасини ўтайди.

Дастурда, шунингдек, таълим муассасалари спорт иншоотларида дарсдан сўнг ўқувчи ва талабалар учун спорт тўгараклари ҳамда спорт клублари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларида "Спорт тўгараги ва селекция бўйича тренер" лавозимини киритиш белгиланган. Мазкур лавозимни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ташкил этиладиган спорт тўгараклари билан қўшимча равишда минглаб ўқувчи ва талабаларни қамраб олишга эришилади ва уларга спорт билан мунтазам равишда шуғулланишларига қулай имкониятлар яратилади.

Бундан ташқари, дастурда жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва спорт клублари фаолиятини олимпия, миллий ва бошқа спорт турлари кесимида рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш белгилангани уларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг "Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси" кўкрак нишонининг таъсис этилиши эса соҳа фидойилари меҳнатини янада муносиб рағбатлантиришга хизмат қилади.

Дастурга кўра, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ўтказиладиган уч босқичдан иборат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари дастурларини спортнинг оммавий турлари ҳисобига кенгайтириш, нуфузини ошириш ва мусобақа ғолибларини муносиб рағбатлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш назарда тутилган.

Ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Республика ва ҳудудий кенгашлар фаолиятининг ташкил этилиши, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва спорт клубларига иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш жараёнида шаффофлик ва холисликни таъминлаш чораларининг амалга оширилиши пировардида халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Қарорда ўз ечимини топган муҳим масалалардан яна бири –ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида спорт тиббиёти бўлимларининг ташкил этилиши ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш белгилаб қўйилганидир.

Дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шундан 706,2 миллиард сўмдан ортиқ қисми ушбу йилларда жами 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

Қарор ва дастур доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитни яратиш орқали уларни оммавий тарзда спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш, қолаверса, нуфузли халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган машҳур спортчиларимиз сафларини тобора кенгайтиришга хизмат қилади.

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Туман маҳалла фуқаролар йиғинларининг профилактика инспекторлари профилактика ҳисобида турганлар, маъмурий назорат остига олинган шахслар ҳақида маълумотга эга бўлса-да, бироқ, аксарият ҳолатда МФЙлари раислари, маслаҳатчилари ва посбонларида профилактик ҳисобда турган, маъмурий назорат остига олинган шахслар ҳақида маълумот йўқлиги таъкидланди.

Шунингдек, тумандаги барча профилактика инспекторлари қўшимча жамоат ишларига жалб қилиниши, профилактика инспекторларининг 54 нафари ўзи хизмат қиладиган ҳудудда хизмат уйи билан таъминланмаганлиги аниқланди.

Сессияда Яшнобод туман ҳокимлигига ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши юзасидан ҳар чоракда халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ахборот тақдим этиб бориш, фаолиятида жиддий камчиликлар ва қонунбузарликларга йўл қўйган ташкилотлар раҳбарларининг интизомий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича зудлик билан тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш, милиция таянч пунктлари фаолиятини белгиланган тартибда ташкил этиш, ўз биносига эга бўлмаган маҳалла фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Сессияда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар масаласи атрофлича кўриб чиқилди.

Ушбу масала бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида фуқаролар йиғинларининг биносини таъмирлаш, жиҳозлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 31 мартдаги "Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида “Замонавий маҳалла" марказлари намунавий лойиҳасини жорий қилиш тўғрисида"ги 333-сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш белгиланди.

Қонун талабларининг жойларда бажарилишини таъминлаш юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, фуқаролар йиғини тизимидаги вакант лавозимларини муносиб кадрлар билан тўлдириш борасида қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимларининг малакасини ошириш, амалиёт билан боғлаган ҳолда ўқув машғулотларни ташкил этиш ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг туман бўлинмалари билан биргаликда жойларда қўшимча семинар машғулотларини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Сессияда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини сўзсиз таъминлаш, мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг ариза ва шикоятлари, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялари билан давлат органи ва муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ушбу масала бўйича қабул қилинган қарорда мурожаатларни кўриб чиқишда қонун талабларига оғишмай амал қилиш, иш юритишни тизимли ташкил этиш, айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш, мурожаатларнинг кўпайишининг асосий сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш ва келгусида мурожаатлар билан ишлашнинг натижадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўриш таъкидланди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларнинг доимий таҳлилини олиб бориш, мурожаатларнинг кўпайиши сабабларини аниқлаш ва уларни камайтириш чораларини кўриш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиддий чоралар қўллаш белгиланди.

Бундан ташқари сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим доимий комиссиялари таркибига ўзгартириш киритиш, Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 15 сентябрдаги “2016-2020 йилларда чарм-пойабзал саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

“Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси таркибида юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган даврда уч юздан ортиқ янги моделдаги пойабзаллар ва етмиш турдаги янги чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи 1,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бу жараёнда чет эл сармояси иштирокида қатор замонавий корхоналар бунёд этилиб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида юқори қўшимча қийматга эга чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 28,2 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи билан маҳсулотлар Италия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой, Покистон Ҳиндистон, МДҲ давлатлари ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Мазкур тизимдаги мавжуд қувватлар модернизация қилиниб, энг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланаётгани муваффақиятларнинг асоси бўлмоқда. Жорий йилда 189 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2019 йилгача жами элликдан ортиқ ана шундай лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Шу мақсадда 2017 йилда 44,5 миллион доллар, 2018 йилда 49,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиши билан 1 минг 612 иш ўрни яратилади, 758,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Анжуманда соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, амалиётга татбиқ этилаётган инвестиция лойиҳалари, уларнинг аҳамияти ҳақида маълумот берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

***Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фуқаролар, ижтимоий соҳа объектлари, моддий ва маънавий бойликлари дахлсизлигини таъминлаш, уларга бўладиган турли хавф-хатарларнинг олдини олишда Республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари муҳим аҳамият касб этади.***

Бугунги кунда ушбу қўриқлаш бўлинмаларида 180 та техник қўриқлаш пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жами 13 мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, тўққиз мингдан зиёд фуқаро хонадонлари ҳам қўриқланмоқда.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган қўриқлаш хизматида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи Тоҳириддин Наджимов ва бошқалар кейинги йилларда қўриқлаш хизматининг замон талабларига жавоб бериши, ишончлилиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги, тизимга замонавий қўриқлаш ва хавфсизлик воситаларининг татбиқ этилиши фуқаролар, турли ташкилот ва муассасаларнинг ушбу хизматга бўлган ишончини ортишига сабаб бўлаётганини айтиб ўтди.

Қўриқлаш сифатини оширишда замонавий технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Шу боис қўриқлаш бўлинмаларининг моддий-техник базасини янгилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда республика қўриқлаш бўлинмаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ишлари ва моддий-техник базасини шакллантириш 70 фоизга бажарилди. Республикада марказлаштирилган ахборотларни қайта ишлаш ва узатиш марказлари лойиҳа бўйича 3 та ташкил этилиши лозим бўлса, бугунга келиб Тошкент шаҳар ИИББ Қўриқлаш бошқармасида асосий ва ИИВ Қўриқлаш бош бошқармасида захира маълумотларни қайта ишлаш марказлари Германия, Австрия ва Италия республикаларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Бошқарма таркибидаги етакчи мутахассис ходимлардан иборат ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ қўриқлаш бўлинмалари техник қўриқлаш пунктлари қўриғидаги банк ва унинг филиаллари, халқ хўжалиги объектлари ҳамда фуқаро хонадонларига “Приток-А” қўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи қабул-назорат қурилмалари ўрнатилиб, сервер ускуналарига улаш ишлари якунига етказилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Учтепа ва Юнусобод туманлари ички ишлар бошқармалари қўриқлаш бўлимларида марказлаштирилган техник қўриқлаш пунктлари ташкил этилиб, унда 1 минг 800 дан ортиқ объект ва 2 минг 850 га яқин фуқаро хонадонлари замонавий қўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи қабул-назорат қурилмалари орқали мониторинг асосида қўриқланмоқда.

Анжуманда қўриқлаш хизматига замонавий қўриқлаш техника ва технологияларини жорий этиш билан бир қаторда уларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар борасида ҳам сўз юритилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

## Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

# КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ИШОНЧ БИЛАН

***"KITOB OLAMI" маънавий-маърифий савдо мажмуасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошида ташкил этилган "Мунозара" тўгараклари ўртасида ўтказилаётган турнирнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.***

Мазкур тўгарак мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, уларда мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятларини ривожлантириш, ўқувчи-талабаларда ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ўртага қўйилган муаммога холис ёндаша олиш, ўз фикрини асослаш, аниқ баён қилиш малакаларини шакллантиришда кўмак бериш ҳамда тўғри йўналтириш мақсадида фаолият олиб боради.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларидан 3 мингдан ортиқ талаба "Мунозара" тўгаракларига жалб қилинган. Уларга 20 га яқин малакали тренерлар томонидан семинар-тренинглар ўтказилмоқда. "Миллийлик ва замонавийлик", "Ақлий меҳнатдан кўра жисмоний меҳнат фойдали", "Замонавий тиббиёт халқ табобатидан устун", "Экологик муаммолар иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилмайди" каби бир қатор мавзуларда мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2015 йилда Ҳаракатнинг олий таълим муассасалари Бошланғич ташкилотлари қошида ташкил этилган тўгараклар ўртасида "Мунозара" баҳси факультетлараро беллашувлари ўтказилиб, жамоалар шакллантирилган.

Турнирда жамоалар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, истиқболлари, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари бўйича кенг тушунчаларга эга эканини нотиқлик маҳорати билан намоён этишди. Натижаларга кўра Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси ғолиб бўлиб, турнирнинг республика босқичига йўлланма олди.

Ғолибликни қўлга киритган жамоаларга диплом, тадбирда фаол иштирок этган жамоаларга сертификатлар топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Мамлакатимизда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" деб номланган ҳафталик ўтказилмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси пойтахтимиздаги Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида хайрия тадбирини ташкил этди.***



# БОЛАЛАРГА КИТОБЛАР БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши ёшларда китобхонликни оширишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "Диққат, китоб!" акцияси ташкил этилди. Жорий йилда мазкур акция доирасида мамлакатимиздаги барча Меҳрибонлик уйлари, маҳаллалар, мактабларда ижодий, маданий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди томонидан янги нашр этилган китоблар болаларга тақдим этилмоқда. Шу давр ичида Меҳрибонлик уйлари ва йигирмага яқин умумтаълим мактаби кутубхонасига қирқ мингдан ортиқ китоб тарқатилди.

Мазкур Меҳрибонлик уйи кутубхонаси фонди кейинги йилларда мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган миллий ва жаҳон адабиёти намуналари билан бойитиб борилмоқда. Ҳозир мазкур кутубхонада ўттиз мингдан ортиқ турли жанр ва йўналишдаги китоблар болажонлар ихтиёрида. Бу ерда ёзувчи ва шоирлар юбилейларига бағишланган тадбирлар, "Китобдан яхши дўст йўқ", "Энг кўп китоб ўқиган бола", "Китобни ўқиш ва уқиш", "Энг яхши китобхон" каби кўрик-танловлар, китобхонлик кечалари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

– Эртамиз эгалари бўлган болажонларимизда китобга меҳр уйғотиш, мутолаа маданиятини ошириш муҳим вазифамиздир, – дейди Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Хурсаной Холова. – Ёшларнинг китобга қизиқишини оширишда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди томонидан нашр этилган турли номдаги китоблар топширилди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан пойтахтимиздаги 11 та тумандаги маҳаллаларда "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида "Қувноқ бекатлар" кўнгилочар тадбирлари ташкил қилинди.***

Мазкур тадбирлар Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг нишонлаш ва болаларни ёзги мавсумдаги бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий урф-одат ва анъаналаримизга содиқ этиб тарбиялаш, болалар ўртасида китоб мутолааси, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни баркамол этиб тарбиялашда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида ўтказилди.

Чилонзор туманида жойлашган – "2-Чарх Камолон", "Яккабоғ" ва "Нафосат" маҳаллаларида "Қувноқ автобус" лойиҳаси доирасида турли тадбирлар ташкил этилди. "Менинг юртим Ўзбекистон" мавзуида асфальтга расм чизиш, "Мен севган асар" китоб мутолааси танловлари, "Табиатни асраймиз!" шиори остида экологик акция, "Қувноқ эстафета" спорт мусобақалари, "Мен "Камалак" фаолиман" номли ижодий викториналар ва бошқа тадбирлар болажонларга аъло кайфият бағишлади.

Барча ташкил этилган тадбирлар, танлов ва семинар-тренингларда фаол иштирок этиб ғолиб бўлган маҳалла ёшларига эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқ, ташаккурномалар тақдим этилди.

* * *

Яшнобод туманидаги Мухтор Ашрафий номли, "Фидойилар" ҳамда "Катта Қўйлиқ" маҳаллаларида Ҳаракатнинг Яшнобод тумани Кенгаши томонидан ва туман "Камалак" сардорлари иштирокида "Қувноқ автобус", "Бахтли болалик", "Ёзни "Камалак" билан!" лойиҳалари доирасида жажжи болажонлар учун маданий-маърифий байрам тадбири, "Қувноқ стартлар" мусобақаси, "Миллий халқ ўйинлари", "Ранглар жилоси" расмлар танловлари ўтказилди.

Лойиҳада фаол иштирок этган болажонлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яшнобод тумани Кенгаши томонидан тайёрланган эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Мазкур лойиҳада 500 дан ортиқ болажонлар иштирок этди.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги "Азамат", "Юзработ" ва "Камолот" маҳаллаларида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан ўтказилган тадбир ўғил-қизларга олам-олам таассурот бағишлади. Турли йўналишдаги тадбирлар кўтаринки кайфиятда ўтказилди. 800 дан ортиқ ёшлар қамраб олинган акция сўнгида ғолибларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тақдирланганлар орасида Рустам Эгамбердиев ҳам бор.

— Мазкур лойиҳа мен қатори барча тенгдошларимга ҳам қувонч бағишлади, — дейди у. — Лойиҳадаги "Менинг юртим Ўзбекистон" мавзуида асфальтга расм чизиш танлови, "Энг севимли китобим" викторинаси жуда ёқди. Мактабда олган билимларим туфайли ғолиб бўлдим. Ташкилотчиларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Зарина РУСТАМОВА**

# БАХТЛИ БОЛАЛИК ТАРАННУМИ

***Ички ишлар идоралари ходимлари мамлакатимиз осойишталигини таъминловчи шарафли касб эгаларидир. Ана шундай касб эгаларининг фарзанди бўлиш ҳам бахт.***

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ички ишлар вазирлиги Олий ҳарбий техника билим юртида "Мен – ички ишлар органи ходими фарзандиман" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаяпти.

Бугунги кунда ўз оиласига ва фарзандлари тарбиясига етарли даражада эътибор қаратиб, болаларининг интилишлари, қизиқишлари ва хислатларини ўз вақтида англаб, уларни тўғри йўналтира билган ва бунинг натижасида фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида ютуқларга эришаётган билим юрти ҳарбий хизматчилари ва уларнинг фарзандларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Оила" илмий - амалий маркази ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган байрам тадбирини билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Даврон Жуманазаров кириш сўзи билан очгач, "Оила" илмий-амалий маркази ходими Музаямхон Фармонованинг "Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни" мавзуидаги қизиқарли маърузаси тингланди ҳамда билим юртига "Оила" илмий-амалий маркази томонидан китоблар ва кўргазмали тарғибот воситалари тантанали равишда топширилди.

Маданий тадбир жараёнида ҳарбий хизматчилар фарзандлари йиғилганлар эътиборига рассомчилик, рақс, қўшиқ, ғазалхонлик, спортнинг таэквандо, футбол, дзюдо ва бадиий гимнастика турлари бўйича чиқишлар қилишди. Инглиз ва француз тилларида қўшиқ ва шеърлар ижро этилди.

Шунингдек, тадбирда маданият, санъат ва спорт соҳаларида халқаро танловларда қатнашиб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилаётган ички ишлар ходимларининг фарзандлари алоҳида эътироф этилиб, барча ота-оналарга ўрнак сифатида кўрсатилди.

Байрам сўнгида ички ишлар, ҳарбий хизматчилар фарзандларига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва билим юртининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Жасур ЭЛИМОВ**

**Реклама ўрнида**

***Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун. Айни пайтда республикамизда барча йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб мақсади айни шу олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.***

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асл мақсади иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаб боришга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2013 йил 10 январдаги қарори билан Тошкент шаҳар "Давтехназорат" инспекцияси ташкил этилган. Тошкент шаҳар "Давтехназорат" инспекцияси хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга ваколати доирасида тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгилари ва техник паспортларни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш, тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонларини бериш билан шуғулланади. Инспекция томонидан назорат қилиниши керак бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналари турлари қуйидагилардан иборат. Қишлоқ хўжалиги техникаси: тракторлар, трактор тиркамалари, ўзиюрар машиналар, дон, шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос ўриш, пахта териш комбайнлари, қишлоқ хўжалиги машиналари (тракторлар билан ишлатиладиган машиналарнинг жами): плуг, чизель, культиватор, текислагичлар, борона, мола, сеялкалар, пуркагичлар, илдиз суғурадиган машиналар, йиғгич-пресслагичлар, скреперлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, мелиоратив техника – экскаваторлар ва бульдозерлар, асбоб-ускуналар – ўлчов асбоблари ва қишлоқ хўжалиги техникасининг техник сервиси ва уларни таъмирлаш учун асбоблар ва мосламалар: металлга ишлов берувчи станоклар, пайвандлаш қурилмалари, темирчилик пресслаш асбоб-ускуналари, электр асбоблар, гидротизимлар, ёқилғи насослари ва форсункалар, двигателлар, бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмаларни назорат қилишдан иборат.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки назорат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, сув хўжалиги қурилиши ва ўрмон хўжалиги ташкилотларининг техникасига нисбатан амалга оширилади. Тошкент шаҳар "Давтехназорат" инспекцияси томонидан ўтган йил мобайнида амалга оширилган ишлар сирасига 9 нафар механизатор кадрларга тракторчи-машинист гувоҳномаси ва огоҳлантириш талони берилганини киритиш мумкин. Шу билан бирга юридик шахслар ҳисобидаги техникалардан 1348 донасига техник паспорт ва давлат рақами белгиси – шундан 1225 донаси трактор ва ўзиюрар шассилар ва 123 донаси трактор тиркамаларига, жисмоний шахслар ҳисобидаги техникалардан 175 донасига шахсий техник паспорт ва давлат рақами белгиси, шундан 164 донаси трактор ва ўзиюрар шассиларга ва 11 донаси трактор тиркамаларига берилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари учун манзил: Яшнобод тумани, Темур Малик кўчаси, 146-уй. "Ишонч" телефони: 230-41-22, 269-24-82.

**Тошкент шаҳар "Давтехназорат" инспекцияси**

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

**"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига:**

*Тошкент шаҳар Бектемир туман СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 2016 йил 20 сентябрь кунидаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 112 000 000 сўм, 2013 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01 E 025 SA бўлган, "Каптива" русумли;

*Тошкент шаҳар Олмазор туман СИБ томонидан хатланган, **1.** УЯ 64/ТХ-1 муассасасида сақланаётган: 2017 йил 15 октябрь кунидаги 2-152/07-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси – 15 981 000 сўм, 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 30 D 1008 бўлган, "Даймлербенс" русумли; **2.** Чорсу жарима майдончасида сақланаётган: 2014 йил 12 декабрь кунидаги ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси – 15 690 000 сўм, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01 C 765 FA бўлган, "BMW" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2017 йил 11 июль куни соат 11:00 да ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиниши (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 11 июль куни ўтказиладиган савдоларига 2017 йил 7 июль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000900603278001, МФО: 01101, СТИР: 303877274. **Гувоҳнома № 009293.** Сайт: www.automegatrade.uz

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: (0371) 239-29-40.**

**"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига:**

*Тошкент шаҳар Яшнобод туман СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани прокуратурасида сақланаётган: **1.** 2013 йил 19 август кунидаги 1-439/13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 12 616 418 сўм, 1991 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01Q654PA бўлган, "Мерседес Бенц" русумли; **2.** 2013 йил 8 май кунидаги 1-237/13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 4 710 934,48 сўм, 1995 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01M277JA бўлган, "ГАЗ-31029 СПГ" русумли; **3.** Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Бектемир қўрғони, 71-уйда сақланаётган: 2011 йил 26 декабрь кунидаги 1-999/11-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 20 601 118,08 сўм, 2009 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10F968EA бўлган, "Матиз" русумли техник носоз автотранспорт воситалари такроран савдога қўйилмоқда.

**Аукцион савдоси 2017 йил 23 июнь куни соат 11:00 да ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиниши (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 23 июнь куни ўтказиладиган савдоларига 2017 йил 21 июнь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000900603278001, МФО: 01101, СТИР: 303877274. **Гувоҳнома № 009293.** Сайт: www.automegatrade.uz

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: (0371) 239-29-40.**

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ**

**Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**2017 йил 7 июль куни соат 11.00** да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**Мирзо Улуғбек тумани СИБ** томонидан "Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели бозори" МЧЖда сақланаётган: Жиноят ишлар бўйича Учтепа туманлараро судининг 14.12.2012 йил № 1-4557/12-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган: бошланғич баҳоси: 24 612 000 сўм, 2009 йилда и/ч, д/р: 01R655BA бўлган "Нексия DOHC-2" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

**2017 йил 22 июнь куни соат 11.00** да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

**1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ** томонидан "Истеъмолда бўлган транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар Сергели бозори" МЧЖда сақланаётган: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 24.09.2013 йилдаги №61552-53/8 -сонли ижро варақасига асосан хатланган: бошланғич баҳоси – 73 230 696 сўм, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 H 234CA бўлган "Каптива-1" русумли автотранспорт воситаси.

**2. Яккасарой тумани СИБ** томонидан Тошкент шаҳар хўжалик ишлари бўйича судининг 23.11.2015 йилдаги №10-1520/19131-сонли ижро варақасига асосан хатланган: бошланғич баҳоси – 28 059 805 сўм, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 320 GCA бўлган "Опель Омега" русумли автотранспорт воситаси.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 7 июль кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 5 июль куни соат 16:00да. 2017 йил 22 июнь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 20 июнь куни соат 16:00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "АКБ "InFinBank" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5003 МФО: 01141; ИНН: 301 829 604; ОКОНХ: 19790

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Телефон: (371) 233-61-44, (97) 764-81-86 www.agb.uz.

***Гувоҳнома 004593.***

"Кафолат суғурта компанияси" АЖ Тошкент шаҳар Яшнобод бўлимига тегишли бўлган KF серияли 1665673, 1665674, 1665675, 1665676, 1665677, 1665678 ва 1665680 сонли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Мирobод тумани, Ойбек кўчаси, 42-уй, 33-хонадонда яшовчи Садаф Иззатиллоевна Файзиева номига берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси "Транспортда бошқарувнинг ахборот тизимлари" кафедраси доценти Шавкат Худайберганович Ҳакимовнинг падари бузруквори

**Худайберган ҲАКИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Спорт янгиликлари





*Келгуси йили 23 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган ёшлар терма жамоалари ўртасида қитъа биринчилиги ўтказилишидан мухлисларнинг хабари бор албатта.*

## ЎЙИНЛАР САНАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ушбу нуфузли турнирга саралаш босқичи гуруҳ баҳслари жорий йилда бўлиб ўтади.

Осиё чемпионатига саралаш беллашувларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "Д" гуруҳида БАА, Ливан, Непал терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради.

Яқинда Осиё футбол конфедерацияси томонидан 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатига саралаш босқичи гуруҳ беллашувлари санаси маълум қилинди. Унга кўра БААнинг Ал-Айн шаҳрида уюштирилиши режалаштирилган саралаш босқичи "Д" гуруҳи учрашувлари 15-19 июнь кунлари ўтказилади.

## ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

*Андижонда теннис бўйича "Фьючерс" туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди.*

Мусобақанинг асосий турида иштирок этаётган теннисчиларимиздан уч нафари дастлабки ғалабасини нишонлади. Биринчи рақамда сараланган Санжар Файзиев биринчи даврада беларуслик Микалаи Халиак билан рақобатлашиб, рақибини 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Яна икки учрашувда Ўзбекистон теннисчилари ўзаро рақобатлашди. Тажрибали Шониғмат Шофайзиев кескин ва муросасиз ўтган учрашувда Шаҳобиддин Абзаловни 2:6, 6:3, 6:4 ҳисобида енгди. Ёш теннисчимиз Аброр Исоқов жиддий қаршилик кўрсатганига қарамай Павел Цойга 4:6, 6:4, 1:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Мусобақанинг биринчи даврасида яна етти нафар теннисчимиз иштирок этади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

*Пойтахтимиздаги "Чиғатой" футбол мактабида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси, "Шуҳрат" медали соҳиби, ўтган асрнинг 60-йилларида "Пахтакор" жамоасида маҳорат билан тўп сурган Акмал Азизхўжаев хотирасига бағишланган хотира турнири бўлиб ўтди.*

"Пахтакор" жамоасининг мухлисларни хушнуд этган ёрқин ўйинларига муносиб ҳисса қўшган фахрийлари – Биродар Абдураимов, Аҳрол Иноятов, Наримон Желоков, Тўлаган Исоқов ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси етакчиларидан бири Сервер Жепаров ва кўплаб мухлислар иштирок этган хотира турнирида 2008 йилда таваллуд топган болалардан таркиб топган командалар ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди.

Мусобақа якунида барча жамоалардан кўра турнирга пухта тайёргарлик кўрган "Бекобод" жамоаси 1-ўринни эгаллаб, бош соврин эгасига айланган бўлса, фахрли 2, 3-ўринлар "Пахтакор" ҳамда "Спартак" жамоаларига насиб этди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг стандарт тури ўз ниҳоясига етди.*

## ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Айтиш жоизки, 7 турда ўтказилган ушбу мусобақа жуда қизғин тарзда ўтди. Республикамизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрган шахматчиларимиз пешқадамлик учун бор иқтидорларини ишга солиб беллашишди. Мусобақа чоғида шу нарса аён бўлдики, барча иштирокчилар олий ўрин эгаллаш мақсадида кучли ҳужумлар, тактикалардан фойдаланишиб, ўз маҳоратларини яна бир бора исботлаб беришди. Аммо мусобақада энг зўрларгина ғолиб бўлади.

Қуйидаги қатнашчилар эса энг зўр спортчилар қаторидан жой эгаллашди: 15 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида — Меҳриддин Йўлдошев, Абдумалик Абдусалимов, қизлар ўртасида — Ситора Сапарова, Зебо Усмонова, 13 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида — Мирфайз Суннатов, Даврон Шарипов, қизлар ўртасида — Юлия Хегай, Дилрабо Маъмурова, 11 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида — Олмос Раҳматуллаев, Миразиз Эргашев, қизлар ўртасида — Умида Омонова, Моҳинур Ҳабибуллаева, 9 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида — Акобирхон Сайдалиев, Абдулбосит Шарифжонов, қизлар ўртасида — Зилола Ўктамова, Муяссар Мирзаҳмедова.

**Сарвиноз АҲМЕДОВА**

## Реклама ва эълонлар

### Олмазор туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

### *ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Олмазор туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2016 йил 10 июндан 10 июль соат 18-00 га қадар Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 19-уй (Олмазор тумани халқ таълими муассасалари фаоилятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаоилят юритаётган, махсус моддий-техника базаси (замонавий технологик жиҳозлар) озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган талабгорлар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

- умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
- махсус моддий-техника базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;
- бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;
- талабгорнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;
- талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танлов 2017 йилнинг 20 июнь куни соат 10.00 да Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 19-уй кичик мажлислар зали (Олмазор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан olmazortxtmfmtteb.zn.uz сайти орқали танишишингиз ва (+99871) 246-33-75, 227-15-06; (+99890) 963-07-36 телефонлари ҳамда olmazor txtb@xtv.uz электрон почта манзили орқали мурожаат этишингиз мумкин.

**Ошхонаси танловга қўйилаётган Олмазор туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари**

| т/р | Мактаб рақами | Мактаб манзили |
|---|---|---|
| 1 | 1-мактаб | Пахта кўчаси, 16-уй |
| 2 | 11-мактаб | Сағбон кўчаси, Мақола тор кўчаси, 31-уй |
| 3 | 15-мактаб | Бешқўрғон-1 даҳаси |
| 4 | 16-мактаб | Чуқурсой даҳаси, 2-тор кўча |
| 5 | 22-мактаб | Себзор маркази, 26-уй |
| 6 | 24-мактаб | Сағбон кўчаси, 109-уй |
| 7 | 28-мактаб | Қорасарой кўчаси, 219-уй |
| 8 | 29-мактаб | Шифокорлар кўчаси, 21-уй |
| 9 | 36-ёрдамчи мактаб | Нодира кўчаси, 17-уй |
| 10 | 46-мактаб | Беруний-3, Матлубот кўчаси |
| 11 | 111-мактаб | Фаробий кўчаси, 270-уй |
| 12 | 119-мактаб | Нодира кўчаси, 19-уй |
| 13 | 133-мактаб | Қорақамиш даҳаси 1/2, Олтинсой кўчаси |
| 14 | 134-мактаб | Бешқўрғон-3, 39-уй |
| 15 | 146-мактаб | Себзор маркази 17/18 |
| 16 | 159-мактаб | Минор кўчаси, 3 |
| 17 | 165-мактаб | Қорақамиш 1/4, 25-а уй |
| 18 | 185-мактаб | Ғалаба-3а уй |
| 19 | 191-мактаб | Қорақамиш 2/1, 47а-уй |
| 20 | 196-мактаб | Қорақамиш 2/1 даҳаси, 5а-уй |
| 21 | 219-мактаб | Қорақамиш 3, 21-уй |
| 22 | 224-мактаб | Хўжалик кўчаси, 55-уй |
| 23 | 233-мактаб | Қорақамиш 1/2 |
| 24 | 234-мактаб | Қорақамиш 2/4 |
| 25 | 242-мактаб | Қорақамиш 2/4 |
| 26 | 243-мактаб | Беруний кўчаси, 369а-уй |
| 27 | 249-мактаб | Нозимахоним 3-тор кўчаси |
| 28 | 261-мактаб | Чиғатой оқтепа 1-тор кўчаси, 4-уй |
| 29 | 278-мактаб | Олимпия мавзеси, Мухбир кўчаси |
| 30 | 298-мактаб | Беруний Б-1 |
| 31 | 315-мактаб | Бўстон кўчаси |
| 32 | 326-мактаб | Қорақамиш кўчаси, 3-уй |

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

UZTELECOM

**Ҳурматли мижозлар, "Ўзбектелеком" АКнинг "ТШТТ" филиали маълум қилади:**

Кўрсатилаётган хизматларни яхшилаш ва телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида, Янгиобод телефон боғламаси 291-ЭАТС Боку ВК ускунасида жорий йил июнь ойида ускуналарни режали қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Ўтказиладиган қайта тиклаш ишлари муносабати билан қайта улаш вақтида алоқада ва интернет хизматида қисқа муддатли узилишлар кузатилиши мумкин, етказилган ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.

Қайта уланишга тегишли бўлган манзиллар:

Тошкент шаҳри, Янгобод туманидаги – Боку, Қашқадарё, Мурғоб, Марв, Сумбул, Султон Санжар, Кўприкли, Сув бўйи, Ўш, Орзуманд кўчалари ва унга ёндош кўчалар, тор кўчалар ҳамда берк кўчалар.

**Маълумот учун телефон: 297-04-25**

### ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси 2017 йил 6 июлда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

– ушбу давлат активлари учун энг камида қуйидаги жадвалда иловаларида келтирилган микдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;

– янги иш ўринлари ташкил этиш;

– сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

* – "Объект" собиқ мактабгача таълим муассасаси ҳисобланганлиги сабабли, Харидор ушбу объектни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбуриятини олиш

**Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;

– таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни кабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш куни аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 15 июнь куни соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 21 июль, 7, 22 август, 6, 21 сентябрь, 6, 23 октябрь, 7, 22 ноябрь ва 7, 22 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83

**Оммавий оферта савдоларига такроран чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПК/ВМК | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 каватли бинонинг ертўла қисми | 154 | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 1а-уй | Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги | 02.03.2015 № 39 | 315 086 600 | | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни энг қисқа муддатларда амалга ошириш |
| 2 | * Фаолияти тугатилган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари | 892 | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси | Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимлиги | 02.03.2015 № 39 | 2 120 855 251 | | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни энг қисқа муддатларда амалга ошириш; * - "Объект" собиқ мактабгача таълим муассасаси ҳисобланганлиги сабабли, Харидор ушбу объектни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбуриятини олиши |

**Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси**

**Э Ъ Л О Н  Қ И Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил19 майдаги 295-сонли "Давлатга тегишли объектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори 4-иловасига биноан қуйидаги объектлар оммавий савдолардан олинди:

1) Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансидаги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий майдони 396 кв.м. бўлган бино қисми;

2) Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лойиҳадаги кўчаси, 1-уйда жойлашган "Маданий қурилиш" ШК;

3) Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансидаги Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уйда жойлашган умумий майдони 1459 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоот.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 7* ***июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, жала қуйиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 7-12, кучайган ҳолда 15-18 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 7* ***июнда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 635
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ